

Шартли белгилар: + = капалак (♦♦♦) қишлоғга кетувчи ғумбаклар.

- Ўтказилган тажрибаларда картошка қуяларининг ривожланиш фазаларидаги фойдали ҳароратлар йиғиндиси (ФХЙ) “Ўзбекистон гидрометеорология маркази-Ўзгидромет” нинг кундалик ўртача ҳаво ҳароратлари ҳақидаги маълумотлари асосида ҳисоблаб борилди. Картошка экилган кундан бошлаб, ҳар 7 кунда фенология кўзатишлар олиб борилди.

Зараркундаларни пайдо бўлиши ва зарар келтириши муддатларини аввалдан билиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларга қарши курашни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосини ушбу муддатлар ташкил қилади.

Картошка экинларини экишдан бошлаб, ҳосил йиғилгунча бўлган даврдаги ҳолатини назорат қилиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу муддатларни аниқлашнинг компьютер дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида республиканинг турли минтакалардаги туманларида (Сабзавот, полиз ва картошка-

чилиқ ИТИ нинг Андижон вилояти филиали Шовот туманидаги пайкали ва Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ тажриба хўжалиги) олиб борилди.

Ҳозирги вақтда фойдаланилаётган мониторинг усуллари ва қуялар сонини ҳисобга олиш усуллари (туман ўсимликларини ҳимоя қилиш отрядлари хизматчилари, зараркунандалар пайдо бўлиш муддатларини фойдали ҳароратлар йиғиндисига қараб аниқлаш ферамонли, ёруғли ва бошқа тутқичлардан фойдаланган кабилар) жуда кўп меҳнат талаб қилади.

Республиканинг Хоразм, Андижон ва Тошкент вилоятларида картошка қуяларининг тур таркибига аниқлик киритилиб, уни ривожланишининг фенокалендари асосида прогноз (башорати) ишлаб чиқилади.

Жадвал – 2-2. Булардан ташқари феромон тутқичлар маълумотлари асосида картошка куясига қарши курашнинг оптимал муддатлар аниқланади.

1. Валасова В.А., Петропавловская Т.П. Опасный вредитель // Защита растений. – М., - 1986 – W№ 6 – С. 38-39.
2. Душанов Б.К., Обиджонов Д.А., Картошка куяси - экин кушандаси // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги журналі. – 2011. – W№ 5.- Б.21.
3. Обиджонов Д.А., Хўжаев Ш.Т. Картофельная моль новый вредитель посленный в Ўзбекистане. // Защите карантин растений – М., 2014.- W № 11. –С. 43-44.
4. Хўжаев Ш.Т., Сағдуллаев А.У., Обиджанов Д. ва б. Ўсимликларни уйғунлашган химоя қилиш тизими ва унинг таркибидаги биологик усулнинг тузилиши ва моҳияти. – Тошкент: Навруз, 2013.- Б. 99.

САБЗАВОТЧИЛИК СИРЛАРИ

**Ш.Т. Хўжаев, ЎЎҚИТИ, лаб. мудири, проффессор,
Ш.Ш. Зокиров, ЎЎҚИТИ, тадқиқотчи,
Д.Ш. Нурмухамедова, ТошДАУ, тадқиқотчи.**

Аннотация. Мақолада бақлажонни зарарлайдиган оққанот ҳашаротининг турла-ри, ҳаётий хусусиятлари ва зарари келтирилган. У қанчалик эрта тушса, шунчалик зиён кўпроқ бўлиши аниқланган. Олтига инсектициднинг самарадорлиги баён этилган.

Калит сўзлар: бақлажон, оққанотнинг зарарлилик даражаси, инсектицид, самарадорлик.